



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**



**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ
МУАММОЛАРИ”**

*мавзусидаги анъанавий XVII – ёш
олимлар, магистрантлар ва
иқтидорли талабаларнинг илмий-
амалий анжумани*

17

*XVII – traditional Republic
scientific – practical conference
of young scientists, master
students and talented students
under the topic*

**“THE MODERN PROBLEMS
OF AGRICULTURE AND
WATER REOURCES”**

МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

Тошкент – 2018 йил 12 – 13 апрель

156.	Ziyaeva Sh.K. – assistant, Nafizov O. – teacher of the academic lyceum, Tulqinov S. – student, ТИАМЕ	Main objectives and problems of informatization of the higher education	439
157.	Каландаров У. – студент, ТИИИМСХ	О корреляционном анализе и её применение в решение сельскохозяйственных задач	441
158.	Джамолов К. – доцент ТИИИМСХ	Теорема о продолжении функции из пространства $B_{(\bar{p}),\theta}^{\bar{j}}(E^{n-1})$ в пространство $B_{(\bar{p}),\theta,\alpha}^{\bar{j}}(E^{+n})$	445
159.	Джамолов К. – ТИҚХММИ доценти	Тиндиргичнинг бузулмасдан ишлаш эхтимолини аниклаш	448
160.	Кенджаева Д.Х. – ассистент, Таджикибаев О.М. – студент, ТИИИМСХ	Важность внедрения информационных технологий в процесс самостоятельной работы студентов высших учебных заведений	450
161.	Нурмуродова Р.Б. – студент, ТИИИМСХ	Анализ и функционирование рынка информационных услуг в Узбекистане	453
162.	Норбоева Д. – талаба, Тўраев Ф.Ж. – ассистент, ТИҚХММИ	Функция дифференциалнинг амалий масалаларга тадбири	456
163.	Пиримкулов Ж. – магистрант, ТИҚХММИ	Суғорма дехкончилик билан фаолият юритувчи фермер хўжаликларидан ресурслардан оқилона фойдаланишни математик моделлар орқали таҳлил қилиш	458
164.	Муротов Д.М. – талаба, ТИҚХММИ	Айланани тенг ток бўлақларга бўлувчи ўқув учбурчакликларни лойиҳалаш асослари	461
165.	Хидоятлова М.А. – ассистент, Эльмуратов Ф. – студент, ТИИИМСХ	Применение комплексных чисел в решение задач электротехники	465
166.	Холова С., Озодов Э. – магистрантлар, ТИҚХММИ	Таълим жараёнини автоматлаштирилган ахборот tizimлари асосида такомиллаштириш	469
167.	Зияева Ш.К., ассистент, Бекибаев А. – старший преподаватель. ТИИИМСХ	Роль информационной технологии в высшем образовании	472
168.	Komilova X.M. – assistant, S.O.Boymurodov – talaba. TIQXMMI	Aniq integralning amaliy masalalarga tadbiri	474
169.	Комилова Х.М. - ассистент, М.М.Сапарова талаба(ГИМ)	Алгебраик тенгламалар системасини ечиш(Гаусс усули)	476

10 –ШУЪБА

Хаёт фаолияти хавфсизлиги масалалари

170.	Абдирозоқов Ш. – ТИҚХММИ талабаси	Саноат корхоналари бош тархини лойиҳалашда ёнғин хавфсизлиги	480
------	--------------------------------------	---	-----

Литература:

1. М.Л.Краснов, А.И.Киселев, Г.И.Макаренко Функции комплексного переменного. Задачи и примеры с подробными решениями. Москва 2003 г.
2. <http://www.schoolknyazkova.ru/> электротехника/применение%20комплексных%20чисел.html

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Холова С., Озодов Э. – ТИҚХММИ магистрантлари,

Аннотация

Мақолада таълим жараёнини интенсификациясини Grid, IMS, SCORM ва Moodle ахборот тизимлари асосида амалга ошириш технологияларнинг афзалликлари ошиб берилган бўлиб, жумладан Group work, Student tracking ўқув моделлари мисолида келтирилган.

Ўзбекистонда таълим тизимини узлуксиз ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Узлуксиз таълимнинг амал қилаётган тизими малакали мутахассисларни тайёрлашга имкон беради.

2017-2021 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш комплекс чора-тадбирлари тўғрисидаги ва “Электрон ҳукумат” тизимини янада ривожлантириш стратегияси”ни ишлаб чиқиш тўғрисидаги Ўзбекистон республикаси президентининг қарорларида бугунги кунда барча соҳаларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, “Электрон ҳукумат” тизими фаолиятини янада ривожлантириш устувор аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Жамиятни ахборотлаштиришнинг ҳозирги шароитида мутахассисдан унга касбий масалаларини самарали ечиш имкониятларини таъминловчи юқори даражадаги ахборот маданияти талаб қилинади. Бу олий таълим муассасалари талабаларини, ҳозирги жамиятда яшаш ва меҳнат қилишни янги тушунишни, таълим таркиби тўғрисидаги аънавий тушунчаларини қайта ўйлаш ва фикрлашга мажбур қилади. Таълим жараёнининг самарадорлиги ва унинг сифатини ошириб бориш одатдаги аънавий таълим билан таълимнинг янги технологияларини қанчалик чуқур ва ҳар томонлама бирга олиб боришга боғлиқлиги учун ҳам янги таълим технологияларининг ўқув фаолиятига таъсирини изчил ўрганиш долзарб масалалардан биридир[1].

Илмий, ҳар қандай иқтисодий ва ижтимоий фаолиятда, маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлаш билан банд бўлган ҳар қандай корхонада ахборот яратилади ва ишлатилади. Ишларнинг ҳар қандай боғлиқлиги ва ўйғунлиги фақатгина барча жараёнларни ўз ичига олган ахборот тизимлари туфайлидир, шу билан бирга ахборотни истеъмолчилари ҳам, генератори ҳам турли хилдаги функционал ва бошқарувчи тизим остилар ҳамда инсоннинг ўзи бўлиб ҳисобланади. Яъни, инсоннинг амалий ҳар қандай мақсадга йўналтирилган у ёки бу бўйича фаолияти ахборотни қайта ишлаш тартиби билан боғланган бўлиб, улар автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда ҳисоблаш машиналаридан фойдаланишга асосланган вариант энг самарали ҳисобланади.

Автоматлашган ахборот тизимлари(ААТиз) маълумотларни самарали қайта ишлаш ихтисослашган воситаси бўлиб, ҳар қандай фаолиятнинг яъни ишлаб чиқаришни бошқариш, илмий тадқиқот, иқтисодий ёки ижтимоий тизимларда мажбурий таркибий қисмидан иборат бўлиб қолди.

Инсон «автоматлаштириш» тушунчаси пайдо бўлгунча узок йиллар мақсадга йўналтирилган ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатишни ўрганиб, ахборот-қарор қабул қилиш ва назоратни амалга оширишнинг алтернативсиз асоси эканлигини тушуна бошлади. Автоматлаштириш инсоннинг мақсадли фаолияти доирасига бирон-бир муҳим ўзгариш кирита оладими деган савол туғилиши мумкин. Барча кўзга кўринганлар бўйича: маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тақсимлашнинг «механик» операцияларига тегишли бўлганларига«ҳа» дейиш мумкин. Бошқарувчи субъект ва бошқариладиган фаолият бўйича боғланишни амалга оширувчи восита сифатида иштирок этувчи «автоматлашган» ахборот тўғрисида гапириладиган бўлса «йўқ» дейиш мумкин. Бундай ҳар хил маъноликни тушунмаслик сабаби, дастлабки маълумот қайта ишланганига қараганда баҳоси пастроқ деган нотўғри тушунчани туғдирганлигидадир. ААТиз ни «...бир ахборотни олиш учун бошқасидан фойдаланишга мўлжалланган тизим» деб аташади[2].

Ахборот ҳар қандай жараёнда ҳам иштирок этади. Улар бошда қимматбаҳо ва ишончли бўлади, лекин мос воситалар ёрдамида унинг бу хусусиятлари сақлай олинмаса, у ҳолда келгусида унинг репрезентативлик даражасини тиклаш учун кўп меҳнат талаб қиладиган процедураларга дуч келиш мумкин.

ААТиз ларининг пайдо бўлиши биланок ахборотни назорат қилиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш барча функциялари ҳисоблаш машиналарига юкланган эди, чунки бу соҳада улар ёрдамида барчасини қилиш мумкин деб ҳисобланарди. Бироқ машинадан фойдаланиш ҳамма вақт ҳам самарали ва ҳамма вақт ҳам мутлақо мақсадга мувофиқ эмас экан. Ахборотни «қўлда» қайта ишлашнинг ананавий усуллари ва ахборотлар оқимини бошқаришни автоматлаштириш кўп ҳолларда ахборотлаштириш бўйича мутахассислар тасавур қилганларидан ҳам жудаям кийин экан. Айрим ахборот оқимлари инсондан инсонга ўтгунча тўлиқ самарага эга, уларни машина муҳитига жойлаштирилгандан кейин асосий фаолиятнинг умумий самарадорлиги пасайишига сабаб бўлади. Маълумотлар, аввал тўғридан-тўғри «табiiий» узатиш каналларидан фойдаланиб узатилган бўлса, энди белгиланган манзилга тушишидан олдин кодлаштириш ва ЭҲМнинг қайта ишловидан ўтиши керак. Бу нафақат сезиларли тўхтаб қолишга олиб келади, балки инсондан уларни кидириш ва қайта ишлаш бўйича махсус кўникмалар талаб қиладди. Бундан ташқари инсон ахборотга эгаллик қилиш ҳиссини йўқотади: энди у ўзини ахборот хизмати учун маълумот етказиб берувчи деб ҳис қила бошлайди[3].

Жуда катта миқдордаги ва ҳажми бўйича кўпайиб боровчи сақланадиган ва қайта ишланадиган маълумотлар бўйича, шу билан бирга бу маълумотларни етказиб берувчи, ўзгартирувчи ва фойдаланувчи кўплаб сонли субъектларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бошқа муаммо туғилади. Маълумотлар керак бўладиган масалалар турлари кўпаяди, улар билан бирга ҳисоблаш муҳитига талаб нафақат ускуналар қисми бўйича балки бу тизимни кўллаб қувватловчи ва фойдаланувчи мутахассисларга талаб ҳам ошади.

Бугунги кунда ҳисоблаш техникаси инсоният ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларида кенг иштирок этмоқда. Лекин инсон тўлиқ иштирок этмаслиги учун ҳисоблаш техникасининг роли унчалик катта эмас. Инсон эса ААТизнинг барча даражаси ишида қатнашади. Энг муҳими фақат угина муаммони қўя олади, ва фақат у бу муаммони ечиш учун ахборотни йиға олиш қобилиятига эга бўлади. Ниҳоят, инсон ахборотни қайта ишлаш ва узатиш натижасининг охириги фойдаланувчиси дир, ва фақат у уларнинг самарадорлигини баҳолай олади.

Республикамизда автоматлаштирилган ахборот тизимлари асосида таълим жараёнини такомиллаштириш юзасидан узлуксиз тадбирлар амалга оширилмоқда. Таълим жараёнининг сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилди. Бу борада автоматлаштирилган ахборот тизими яратилиб, уни таълим жараёнига тадбиқ қилиш бўйича қатор тадқиқотлар ҳамда ишланмалар ишлаб чиқилган. Шу билан бирга талабаларни ўқитиш жараёнида реал жараёни кўрсатиш ва шу асосда мутахассислик бўйича амалий кўникмаларни бериш бир мунча ишланмаларни ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Талабаларга бериладиган ахборотларни ўқитиш жараёнида модул тизими ва бошқа кўринишдаги электрон воситаларни қўллаш орқали амалга ошириш таълим жараёнининг сифат ва самарадорлигини оширади. Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда тайёрланаётган бўлажак мутахассисларни ўзининг соҳасида учрайдиган кўплаб масалаларини аудиторияда функционал имитация қилиш, талабалар билимини реал ҳаётга йўналтирган асосда такомиллаштиришнинг асосий омиллардан биридир.

Moodle – Web муҳитида ўқитиш ва on-line режимдаги дарсларни ташкил қилувчи кучли педагогик дастурий мажмуа ҳисобланади. Тизимда мавжуд ўқитиш модуллари: Forums, Materials, Messenger, Chat, Exercises, Group work, Student tracking ва анча кўп бўлган бошқа модуллари мавжуд. Бошқа LMS лар сингари IMS, SCORM ва бошқа стандартларни қўллаб қувватлайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бошқа LMS тизимларга қараганда энг кўп қўшимча плагин ва модуллари мавжуд бўлган дастурий мажмуа айнан, Moodle дастурий мажмуаси ҳисобланади[4].

Ҳозирги вақтда дунёнинг кўп давлатларининг ўқув муассасаларида масофавий таълим жараёнини айнан Moodle дастурий мажмуасидан фойдаланган ҳолда ташкиллаштирилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистондаги кўплаб таълим муассасаларида виртуал таълим муҳити сифатида айнан Moodle дастурий мажмуаси фойдаланиб келинмоқда.

Moodle тизимига ўхшаш ҳозирги вақтда Grid ҳисоблашнинг аҳамияти юқори баҳоланмоқда. У минглаб ва ҳатто миллионлаб шахсий компьютерларнинг ресурсларини улкан "виртуал" тизимга улкан компьютер қувватига айлантирган тез ривожланаётган технологиядир. Grid, одатда, қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай жойдан олиниши мумкин бўлган турли турдаги ресурсларни (процессорлар, узок муддатли ва операцион хотира, сақлаш ва маълумотлар базалари, тармоқлар) камраб олувчи географик жиҳатдан тақсимланган инфратузилма сифатида тушунилади.

Одатда Grid ресурсларни ва ресурсларни алмашадиган корхоналар ва жисмоний шахслардан ташкил топган глобал тарқалган виртуал ташкилотлар доирасида тегишли ресурсларга умумий кириш усулини назарда тутати. Ҳар бир виртуал ташкилот ўз иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлар сиёсатига эга, улар белгиланган қондаларга риоя қилиши керак. Виртуал ташкилот динамик тарзда шаклланиши ва чекланган вақт учун мавжуд бўлиши мумкин. Grid технологияларининг салоҳияти жуда юқори: мутахассислар бу стратегик хусусиятга эга деб ҳисоблашади ва яқин келажакда Grid кўплаб инсон фаолияти соҳасидаги технологияларни ривожлантириш учун худди шахсий компьютерлар ва Интернет каби ҳисоблаш воситаси бўлиши мумкин.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ахборот-коммуникация технологиялари(АКТ) таълим жараёнига ва таълим олувчини тарбиялашга тезлик билан таъсир қилади, яъни билим бериш ва таълим усулини ўзгартиради. Шу билан бирга таълим тизимида АКТнинг қўлланилиши нафақат таълим технологиясига таъсир

қўрсатади, балки бу соҳага янгилıklarни киритади. Булар ахборот ва алоқадан фойдаланиш имкониятларини кескин кенгайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч-Тошкент: Маънавият, 2008й.
2. Роберт И.В. Средства новых информационных технологий в обучении: дидактическое проблемы, перспективы использования. // Информатика и образование. -Москва, 1991-№4. 3.
3. Электрон университет. Масофавий таълим технологиялари. Олий таълим муассасалари учун А.Парпиев, А.Марахимов, Р.Ҳамдамов, У.Бегимкулов, М.Бекмурадов, Н.Тайлоқов. ЎзМЭ давлат илмий нашриёти.-Т.: 2008, 196 б.
4. Бегимкулов У.Ш. Замонавий ахборот технологиялари мухитида педагогик таълимни ташкил этиш.// “Педагогик таълим” жур, № 1, 2004 – 25-25 бетлар.

Илмий раҳбар:

профессор. Шодмонова Г.

РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННОЙ ТЕХНОЛОГИИ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ

Зияева Ш.К., ассистент, Бекибаев А.А. – старший преподаватель. ТИИИМСХ

Аннотация

В данной статье анализируются основные приоритетные задачи применения информационной технологии в высшем образовании, т.е. обеспечение качества и доступности образовательных услуг путём использования современных информационно-коммуникационных технологий.

Стратегическая цель государственной политики в области высшего образования - повышение доступности качественного образования в соответствии с требованиями инновационного развития экономики и современных потребностей общества. Необходимым условием формирования инновационной экономики является модернизация системы образования, становящейся важнейшей предпосылкой динамичного экономического роста и социального развития общества, условием благополучия и безопасности страны путём внедрения современных информационно-коммуникационных технологий[1].

Конкуренция национальных систем образования стала ключевым элементом глобальной конкуренции, требующей постоянного обновления технологий, ускоренного освоения инноваций, быстрой адаптации к запросам и требованиям динамично меняющегося мира. Одновременно возможность получения качественного образования продолжает оставаться одной из наиболее важных жизненных ценностей граждан, решающим фактором социальной справедливости и политической стабильности.

Возрастает потребность к высококвалифицированным специалистам, свободно владеющих современными компьютерными технологиями. Поэтому перед образовательными учреждениями поставлена цель - готовить кадры, соответствующие этим требованиям. Реализация этой цели предполагает решение следующих приоритетных задач[2]: